

Нилуфар БАТИРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси катта
ўқитувчиси

Бекзод АБДУРАСУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси ўқитувчиси

ИСЛОМ ИҚТИСОДИЁТИДА АКЦИЯЛАР САВДОСИ

Ислом иқтисодиётида мол дунё топишнинг икки йўли мавжуд. Улардан бири меҳнат билан бойлик топиш бўлса, иккинчиси меросдир. Мерос орқали олинган мулк ёки меҳнат билан топилган бойликни молиявий муносабатлардан бири бўлган инвестицияга йўналтириш ислом иқтисодий таълимотига кўра мақсадга мувофиқ йўналишлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда инвестицияларни йўналтириш усулларида бўлган мудораба, мушорака ва муробаҳа фаолият турлари иқтисодиётнинг турли жабҳаларида аста секин кенг камровда тарқалиб бормоқда. Мушорака принципи асосида янги ташкил этилаётган корхоналарнинг аксарият қисми акциядорлик кўринишида ташкил этилмоқда.

Ислом иқтисодиётида ҳам акциядорлик корхоналарини ташкил этилишининг умумий қоидалари анъанавий иқтисодиёт принципларига мос тушади. Жумладан, компания таъсисчилари ҳукуматнинг расмий рухсатини олганларидан сўнг бюллетен нашр этиб, бу бюллетенда тузилажак ширкатнинг

мақсадлари ва фаолият йўналишини кўрсатади. Бюллетен инвесторларни шу компанияни ташкил этишга ўз ҳиссасини қўшишга чақиради. Бунда улар компаниянинг устав капитали (яъни раъс ул-мол)ни кўплаб акцияларга тақсимлаб чиқиб, ҳар бир акцияни маълум маблағни ифодаловчи номинал қийматини шакллантиради. Инвесторлар хоҳиш ва имкониятларига қараб, бу акциялардан сотиб олади. Агар акцияга бўлган талаб компания устав капитали (раъс ул-мол) дан ортиб кетса, у ҳолда ҳар бир талабгорга маълум миқдорда акция тақдим этилади. Бир инвестор мингта, бошқаси икки мингта ва ҳ.к акция сотиб олиш имконияти берилади. Буни амалиётга тадбиқ этилиши “Subscription” (اكتتاب) деб ҳам номланади. Ким аъзоликка қабул қилинса, унга махсус ҳужжат берилади – бу ҳужжат унинг эгаси шу компаниянинг ҳиссадори эканлигини тасдиқлайди.¹ Акция эгасининг ҳар бири компания “Таъсисчилар Кенгаши”нинг аъзоси ҳисобланиб, ушбу кенгаш компания бошқарувидаги энг юқори орган ҳисобланади.

Аммо ҳозирги уламоларнинг аксарияти акцияга компания активларига бўлган умумий эгалик ва ҳиссадорлик сифатида қарайди. Акция эгалари компаниянинг ҳам фойдасига, ҳам зарарига шерик бўлганлиги туфайли, акция эгалиги билан боғлиқ жараёнлар ислом иқтисодиёти принципларига тўлиқ мос тушади деб қаралади. Акциянинг бу тури анъанавий иқтисодиётда “Оддий акция” деб номланади. Аммо анъанавий иқтисодиётда мавжуд бўлган “Имтиёзли акция” тури ислом иқтисодиёти принципларига мос келмайди. Ислом иқтисодиётида муҳим ҳисобланган “Таваккалчилик” принципи акциянинг бу турида тўлиқ бир томонламалик хусусиятга эга бўлади. Ислом иқтисодиётида ҳар қандай иқтисодий муносабатлардаги “Таваккалчилик” иштирокчиларнинг барчасида мавжуд бўлиши керак ҳисобланади. Ҳар бир ҳиссадор компаниянинг барча активларига биргаликда эгалик қилади, шунинг учун биргина акциядор барча активларни бир ўзи тасарруф эта олмайди. Акциядорлар активларни биргаликда тасарруф этишга, яъни “Таъсисчилар Кенгаши” қарорлари асосида бошқаришга келишиб олинади. Ушбу

¹ Баъзи ҳолларда акциядорга бирор ҳужжат ёки махсус қоғоз берилмайди. Акциядорнинг исм-шарифини қайд қилиниши етарли ҳисобланади.

корхоналарга шаръий мулкӣ савдо ҳукмлари (أحكام بيع المشاع) татбиқ қилинади. Акция савдоси бўйича Исломиқтиоди академиясининг қуйидаги қарори мавжуд:

“Акция савдосида олди-сотди қилинаётган нарсa (савдо объекти) корхона умумий капиталидан бир улуш-ҳисса ҳисобланади. Акция қоғози ўша улушга бўлган ҳақ-ҳуқуқнинг васиқасидан иборатдир”².

Баъзи замондош уламолар эса акция савдосини жоиз деб ҳисобламайди, чунки сотиб олувчи бир акция орқали корхона активининг асл қийматини била олмайди. Ҳатто унинг жинсини ҳам билмайди. Бу эса савдони фосид қилувчидир деб таъкидлайди. Акция савдосига ижозат берганлар: “Корхона активлари унинг балансида ва молиявий ҳисоботларида кўрсатилади, бундай умумий маълумотлар акция сотиб олишни истаган ҳар қандай шахс учун очиқ бўлади. Батафсил маълумот бериш эса савдонинг саҳиҳлиги шартларига кирмайди”, - дейди.

Акция савдоси жоизлигига машҳур уламо Шайх Ашраф Али Таҳонавий ҳам фатво берган.³ Бу ижозат савдонинг барча шартларига тўғри келади. Агар ширкат ҳали ўз фаолиятини бошламаган бўлса, унинг активлари пул кўринишида бўлади, у ҳолда бу ширкатнинг акциялари фақатгина пулни ифодалайди – бунда акцияни фақатгина унинг номинал қиймати бўйича сотиш мумкин, агар номинал қийматдан паст ёки қимматга сотилса рибоба олиб келади. Шунингдек, ширкатнинг тижорат фаолияти ҳаром маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосланган бўлса, (масалан, ароқ ишлаб чиқарса) унинг акциялари олди-сотдиси ҳам ҳаром бўлади.

Агар ширкатнинг тижорий фаолияти ҳалол бўлса-ю, лекин айланмадаги пул маблағларини рибо асосида банкка омонатга қўйса, ёки банкдан рибо асосида кредит олса, ушбу ҳолатда, компания акцияларини сотиб олиш масаласига фақиҳлар томонидан турлича фикрлар берилади. Бир гуруҳ олимлар, бундай ширкатнинг акцияларини сотиб олиш жоиз эмас, чунки мазкур акциянинг эгаси шу каби ҳаром қилинган амалиётда иштирок этмоқда,

бу ҳудди тижорий фаолияти ҳаромга асосланган ширкатнинг акциялари кабидир деса, бошқа уламолар: “Пуларни анъанавий банкларга қўйиш корхонанинг тижорий фаолиятидан алоҳида ҳисобланади ва унинг асосий фаолиятига нисбатан улуши кам бўлса, асосий фаолиятга таъсири бўлмайди” дейди. Бунга ижозат берганларнинг аксари ушбу улушни қуйидагича белгилаган: омонатлар корхона жами актив қийматининг 30% дан ҳамда ундан келадиган фойда жами даромадининг 5%идан кам бўлиши керак дейди.

Исломиқтиодиётига кўра акция эгаси таъсисчилар мажлисида компаниянинг ижрочи директориға рибовий амалиётларда қатнашишга изн бермаслиги керак. Агар ижрочи директор шу ҳолатда ҳам бундай иқтисодий амалиётларда қатнашса, ушбу жараёни мазкур акция эгасига алоқаси бўлмайди. Чунки акциядорлик ширкати хусусий корхонадан фарқ қилиб, унда қарорлар кўпчиликнинг овози орқали қабул қилинади (юз фоизлик овоз йиғилиши шарт эмас). Қабул қилинган бундай қарорлар унга қарши чиққан акция эгасига тегишли бўлмайди (Шайх Ашраф Али Таҳонавий ҳам шундай фикрда бўлган⁴).

Исломиқтиодиётда белгиланган қоидаларга амал қилинган корхона акцияларини харид қилиш жоиз бўлганлиги туфайли, унга савдонинг барча шартлари татбиқ қилинади. Акция эгаси ўз акциясини бошқа бирор шахсга сотиши мумкин, бунда ушбу акцияга эгалик қилиш ва унга тегишли бошқа ҳуқуқлар сотиб олувчига ўтади. Ўз эгалигида бўлмаган акцияни сотиш мумкин эмас – ҳолбуки бундай амалиёт фонд биржаларида жуда кўп қўлланилади: Одамлар ўзлари эга бўлмаган акцияларни сотади, унинг номи амалиётда “Short Sale” дейилади. Бундай савдога ислом шарияти руҳсат бермайди.

Демак, акция компаниянинг ҳозирги вақтдаги нарҳини ифодалайдиган молиявий қоғоздир – у компания активлари қийматининг қимматли қоғозлардаги ифодасидир. Акция эгаси компания активларини тўғридан- тўғри тасарруф қилмай, бозорда савдоси орқали тасарруф этади. Акциялар ширкат мол-мулкнинг бир қисми экан, унинг эгаси ўз ҳиссасининг бозордаги нарҳига қараб, ундан закот чиқариши зарурдир.

² Жидда шаҳрида хижрий 1412 йил Зул-қаъда ойида ўтказилган 7 йиғилишида молия бозорларига оид 63-қарор

³ “Imdod ul-Fatavo” 3-жилд 486-505 бетлар

⁴ Imdod-ul-Fatavo 3-жилд 491-бет